

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА «ТАРБИЯ» ФАНИНИ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Умирзакова Наргиза Баходировна

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти “Миллий ғоя,
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
йўналишининг 4-курс талабаси (сиртки)

Телефон: +998(94) 938 66 88

e-mail: nargiza.baxodirovna@inbox.ru

Илмий раҳбар: Хожиев Расулбек Бойназарович

Аннотация: Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида “Тарбия” фанини ўқитиш самарадорлигини таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг аҳамияти, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни янада самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ўқитиш усулларины такомиллаштириш таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Таълим, тарбия, глобал муаммолар, ахборот-коммуникация технологиялари.

Дунёда шиддатли давом этаётган глобаллашув жараёни, оммавий маданият миллий чегараларнинг шаффолашуви ҳамда миллий тарбия асосларининг емирилишига сабаб бўлмоқдаки, келажак авлодни муносиб тарбиялаш масаласи бутун инсоният олдидаги кечиктириб бўлмас глобал муоммага айланмоқда. Буюк жадидчиларимиздан ҳисобланган Абдулла Авлоний тарбия масаласини ҳаёт-мамот масаласи сифатида талқин қилган бўлса, Абдурауф Фитрат миллатнинг юксалиши ёки таназзули айнан тарбия масаласига бевосита боғлиқлигини эътироф қилиб, аёлларни миллат тарбиячиси сифатида таърифлади ҳамда уларга бўлган эътибор келажак авлодга бўлган эътибор эканлигини алоҳида таъкидлади. Ҳақиқатдан ҳам қайсики ривожланган мамлакат ҳоҳ Япония, ҳоҳ Германия ёки янги индустриал мамлакатлар рўйхатида биринчилар қаторида турган Сингапурнинг тараққиёт йўлини таҳлил қиладиган бўлсак, тараққиётнинг замирида таълимга тарбияга бўлган эътибор турганлигини кўришимиз мумкин. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар тарбияси масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтирилмоқда. Республикаимизда ижтимоий соҳага давлат бюджетининг 60% и ажратилаётган бўлса шундан 33,4 % и таълим соҳасига йўналтириляётганлиги фикримизнинг яққол исботидир [1]. Таълим ва тарбияни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу икки жараён ўзаро уйғун, узлуксиз асосда ташкил этилгандагина одобли, юксак маънавиятли,

шу

билан

бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эгаси бўлган ватанпарвар ёшларни етиштириб беради. [2]

Боланинг шахс сифатида шаклланиши, ижтимоийлашув жараёни асосан мактаб ёшида юз беради. Шу боис мамлакатимизда умумтаълим мактабларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда бир қанча тизимли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7-июлдан кучга киритилган 422-сонли қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасаларида «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ҳамда «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштирган ҳолда ягона «Тарбия» фани 1-9-синфларда 2020/2021 ўқув йилидан, 10-11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши белгиланди [3]. 2020 йилда «Тарбия» фани концепцияси қабул қилиниб концепция давлатнинг таълим-тарбия соҳасидаги сиёсатини амалга

оширишда мавжуд бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилди. Концепция ёш авлод тарбиясидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга қаратилган устувор вазибалар, асосий мақсад ва йўналишларни белгилаб беради¹. Концепцияда белгиланган йўналишлар мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтисод ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Концепция умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг ёшига мос маънавий ривожланишини таъминлаш ва фаол фуқаролик компетенцияларини шакллантириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» туркумига кирувчи фанлар «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари», «Маънавият асослари», «Дунё динлари тарихи» фанларини бирлаштирган ягона Тарбия фанининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Фан дастурлари ва дарсликларини ишлаб чиқишда бир қанча таълими ривожланган мамлакатлар тажрибаси, жумладан, Хитой Халқ Республикаси, Сингапур, Япония, Корея Республикаси, Австралия, Германия, Буюк Британия, Франция ва Россия Федерацияси каби давлатларнинг тажрибалари ўрганилди, амалдаги фанларнинг ўқув дастурлари ҳар томонлама қиёсий таҳлил қилинди. “Тарбия” фанини ўқитиш самарадорлигини таъминлашда ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда ахборотлаштириш жараёни инсон фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўлмоқда. Шундай қилиб, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ўрганишга янада самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш ва ўқитиш усулларини такомиллаштиришнинг зарур шартидир. Улардан фойдаланиш талабаларнинг ўрганишга бўлган мотивациясини оширишга, ўқиш вақтини тежашга ёрдам беради ва интерактивлик ва кўриш ўқув материални яхшироқ тақдим этиш, тушуниш ва ўзлаштиришга ёрдам беради. Мактаб ўқувчиларини ахборот технологиялари билан таништириш замонавий мактабда ахборотлаштириш муаммосини ҳал қилиш ва касбий тайёргарликни такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу билан бирга, ахборот технологияларини ривожлантириш ва қўллаш замонавий мактабда таълим самарадорлигини оширишнинг энг муҳим усулларидан бирига айланмоқда. Ахборот технологиялари таълим жараёнида фойдаланиш шакллари кўра таснифлашда рус олимлари И.И. Попова, П.Б. Храмцова, Н.В. Максимовалар таълим жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишнинг қуйидаги шаклларни тақдим этадилар: интерфаол дарс, аралаш режим - электрон ахборот ресурси ва ўқитувчи ва ўқувчи (лар) ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа, мавжуд ўқув курслари ва фанларига қўшимча дарс шакллари [4]. Россия фанлар академиясининг Ижтимоий фанлар бўйича илмий маълумотлар институти фалсафа фанлари докторлари. А.Н.Абулов ва А.М. Кулкинлар ахборот технологияларининг таълимдаги вазибаларини ўқита: асосий, биринчи ва иккинчи тоифаларга ажратади [5].

Ўқув жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш асосан қуйидаги ҳолатларда кузатилади:

- ўқув жараёнини ташкил этиш;
- ўқув қўлланмаларини тайёрлаш;
- янги ахборот технологиялари материални ўрганиш (ўқитувчининг мустақил тақдими ва тайёр дастурлардан фойдаланиш).
- ўқувчилар билимини назорат қилиш;
- интернетдан маълумот олиш ва улар билан ишлаш;
- ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларни боғлаш имконини берувчи мактаб сайтини яратиш ва ахборот алмашилиб туриш ва ҳ.з.

Фан ва техника жадал суръат билан ривожланаётган бугунги кунда илмий билимлар ва тушунчаларнинг ҳажмининг ортиб бориши ўз навбатида фан-техниканинг янги соҳа ва

¹ Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июндаги 422-сон қарорига 3-илова. Умумий ўрта таълим ўқитувчилари учун “Тарбия” фани концепцияси. <https://lex.uz/ru/docs/4885018>

бўлимларининг тараққий этиши туфайли унинг дифференциаллашувини таъминлаётган бўлса, иккинчи томондан, фанлар орасида интеграция жараёнини вужудга келтирмоқда. Бундай жараёнда, юқори малакали педагог кадрларга бўлган талаблар ортиб, касбий тайёргарлиги юксак даражада бўлган ҳамда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни амалиётда қўллаш кўникма ва малакасини пухта ўзлаштирган ижодкор-педагогларни тайёрлаш талаб қилинади. Ушбу вазифаларни бажариш “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “ўқув-тарбиявий жараёни илғор педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлаш” зарурияти унинг иккинчи ва учинчи босқичларида бажариладиган жиддий вазифалардан бири сифахборот технологияларида белгиланди. Таълим олувчилар учун мустақил билим олиш имкониятларини ошириш, таълимнинг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ривожлантириш таълим сифатларини таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Сабаби замонавий таълим тизимининг асосини сифатли ва юқори технологияли муҳит ташкил қилади. Бугунги ахборот алмашинуви шиддат билан кечаётган глобаллашув шароитида барча фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчиларнинг ушбу билимларни тез ва сифатли ахборот технологиялари эгаллашлари билан бирга, мунтазам равишда янги билимларни эгаллаш вазифасини қўймоқда. Бу эса ўз навбатида ахборот технологияларида юксак маънавиятга, интеллектуал салоҳиятга эга замон билан ҳамнафас, мустақил ва теран фикр юрита оладиган педагог-кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳамда педагогик таълимни ахборотлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ахборот-коммуникаци технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш методлари.

Таълим жараёнлари амалиётида ўқитишнинг 4 та асосий методидан фойдаланилади. Булар қуйидагилардир:

- тушунтириш-иллюстрация;
- репродуктив;
- муаммоли;
- тадқиқотчилик.

Ахборот-технологиялари воситалари ўқув жараёнида қуйидаги энг муҳим жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга:

- дифференциал ва индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил қилиши;
- ўқиш жараёнини баҳолаш, тескари алоқа боғлаши. Ўз-ўзини назорат қилиш ва тузатиб бориши;
- ўрганилаётган фанларни намоиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;
- фан мавзуларида анимация, графика, мултипликация, овоз каби компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиши ва ҳ.з.

Демак, ўқув-тарбия жараёнида ахборот-коммуникация технологияларининг бажарадиган асоий вазифаси - икки томонлама мулоқотни таъминлашдир. Яъни, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги доимий мулоқотни таъминлашдир.

Ўқитиш жараёнидаги ушбу жараён аудио ва видео ахборот технологиялари материаллар, электрон адабиётлар, ўргатувчи компьютер дастурлари билан уйғунлашиб бормоқда. Ушбу вазиятда таълим-тарбия жараёнлари самарадорлиги ўқувчининг интеллектуал салоҳияти, ахборотни қабул қилиш ва ўзлаштириш қобилиятларига боғлиқ. Электрон форматдаги тарбия ресурсларининг афзаллиги қуйидагилардир:

- ахборотларнинг жамланганлиги;
- кўргазмалилиги;

турли анимациялардан фойдаланилганлиги ва ҳ.з;

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, “Тарбия” фанини ўқитишда, таълим муассасалари таълим-тарбия ишларини бошқариш тизимида қўллаш ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатлари, уларнинг маънавий камолоти даражаси тўғрисида маълумотлар олиш, улардаги ўсиш кўрсаткичларини кузатиш, башорат қилиш ва зарур ҳолатларда тузатишлар киритиш имкониятларини бериб дарс самарадорлигининг ошишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 илларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илми-услуги рисола. Тошкент “Маънавият” 2017. Б. 190-195.
2. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31-декабрдаги И 059-сонли қарорига 1-илова. ҚХММБ: 09/20/1059/0017-сон. 03.20.2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 7.07.2020. санасидаги 422-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/4885018>
4. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июндаги 422-сон қарорига 3-илова. Умумий ўрта таълим ўқитувчилари учун “Тарбия” фани концепцияси. <https://lex.uz/ru/docs/4885018>
5. А.Н. Авдулов, А.М. Кулькин. Классификация информационных технологий / Грант РФФИ, проект № 02_06_80004
6. И.И. Попов, П.Б. Храмцов, Н.В. Максимов. Введение в сетевые информационные ресурсы и технологии. Учебное пособие. М.: РПГУ, 2001, 207 с.